

Ф.Т. Мухамедов
и.ф.н., доц., ТМИ

Биржавий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва таҳлили

Эта статья описывает динамику развития биржевого рынка ценных бумаг в стране, и текущее состояние анализа. В то же время, динамика биржевого оборота, биржевой торговли и инвесторов контекстного анализа сети.

This paper describes the dynamics of the exchange securities market in the country, and the current state analysis. At the same time, the dynamics of the stock market turnover, stock trading and investors contextual analysis network.

Калитли сўзлар: қимматли қоғозлар бозори, фонд биржаси, молиявий инструмент, акция, облигация, инвестор, қимматли қоғозларнинг бирламчи бозори, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори, Репо битимлари

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлса, фонд биржаси эса бозор иқтисодиётининг зарур бўғини ҳисобланади.

“Тошкент” республика фонд биржаси қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар (Марказий депозитарий, Ҳисоб-клиринг палатаси, иккинчи поғонали депозитарийлар, брокерлик идоралари) билан биргаликда қимматли қоғозлар билан савдо жараёнларини янада такомиллаштириб бориш орқали фонд бозорининг барча субъектлари учун инвестиция манбаларига эркин кира олиш имконини яратиб берувчи ташкиллашган ва доимий фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармониға мувофиқ ташкил этилган “Тошкент” республика фонд биржаси бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларининг асосий шартларидан бири бўлган қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ва унинг ривожланишида фаол иштирок этмоқда. Зеро, мазкур муассаса акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштириш ва уларнинг иккиламчи бозорда эркин муомалада бўлиши ҳамда инвесторларнинг қимматли қоғозлар билан олди-сотди жараёнларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб келмоқда.


Биржа савдолари орқали, хусусийлаштирилган корхоналар негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятлари кўринишидаги мамлакат

иқтисодиётининг турли соҳалари ҳақиқий мулкдорлар ва шунга мутаносиб равишда кенг кўламдаги таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш учун йирик маблағлар жалб қилинишига, янгидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари эса ўз инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши учун қўшимча молиявий манбаларга эга бўлмоқда. Акциядорлик жамиятлари ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни “Тошкент” республика фонд биржаси савдолари орқали жойлаштириш ҳисобига корхона ривожланиши учун ички ва ташқи капитал бозоридан чекланмаган миқдорда инвестиция ресурсларини жалб этиши мумкин.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори шаклланишида “Тошкент” республика фонд биржаси фаолиятини баҳолаб таъкидлаш жоиз, унинг ташкил этилиши ва савдо битимлари замонавий технологиялар асосида амалга оширилиши натижасида барча инвесторлар учун қимматли қоғозлар бозорида қулай ва очиқ иштирок этиш имконияти пайдо бўлди. Қуйида фонд биржаси маълумотлари таҳлилини келтирамиз.

Қимматли қоғозлар билан умумий биржа айланмаси 2014 йилда 97,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган 2013 йил (93,2 млрд.сўм) билан қиёсланганда 5% га ошган.

2014 йил бошидан бери 893 та биржа битими тузилган. (2013 йилда 941 та битим). Натижада умумий суммаси 89,3 млрд. сўм бўлган 120 та акциядорлик жамиятининг 178339,8 минг дона акцияси ва 8,3 млрд. сўмлик 4 та эмитентнинг 7,7 минг дона облигацияси савдоси амалга оширилган.



1-расм. Фонд биржа айланмаси динамикаси


Манба: Тошкент республика фонд биржаси маълумотлари.

2014 йилда фонд биржанинг умумий айланмасида 65,4 млрд. сўм кўрсаткич, яъни 67 % улуш билан қимматли қоғозларни бирламчи

жойлаштириш бозори яъни бирламчи бозор устунлик қилмоқда. 2013 йилга (58,8 млрд. сўм) қиёсланганда қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш 11,2 % га ўсган.

Фонд биржасида қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори 32,2 млрд. сўмлик натижа билан умумий бозор айланмасининг 33% ини ташкил этган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан (34,3 млрд. сўм) деярли 6 %га паст бўлиб, ундан 1,25 млрд. сўм корпоратив облигациялар билан тузилган битимлар ва 1 млрд. сўм РЕПО битимлари ҳиссасига тўғри келади.

Иккиламчи фонд бозорининг ривожланиш даражаси мамлакат қимматли қоғозлар бозори рақобатбардошлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Қуйидаги расмдан сўнгги йилларда иккиламчи қимматли қоғозлар бозори улушининг пасайиш тенденциясини кузатиш мумкин.



2-расм. Фонд биржа айланмаси динамикаси

Манба: “Тошкент” республика фонд биржаси маълумотлари.

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозоридаги савдо фаоллиги пасайишининг асосий сабабларидан бири юқори ликвидли, инвестиция жозибадорлиги билан ажралиб турувчи йирик, молиявий барқарор компаниялар акциялари таклифининг танқислигидир. Ушбу туркумдаги корхоналарнинг акциялари асосан давлат корхоналари ҳиссасига тўғри келади ва иккиламчи бозор учун ресурс бўла олмайди.

“Тошкент” республика фонд биржаси республикамиздаги корпоратив облигацияларни жойлаштириш ва муомаласини таъминлашга хизмат қиладиган савдо майдончаларидан бири ҳисобланади. 2014 йилда ушбу савдо майдончасида ҳам савдо фаоллигининг сезиларли пасайишини кузатиш мумкин.

2013 йилда облигациялар бўйича биржа айланмаси 36 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ўтган 2014 йилда ушбу кўрсаткич 4 марта пасайиб, 8,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман, қимматли қоғозлар билан биржа айланмасининг таркиби қуйидагича кўриниш олган:

жойлаштириш ҳажми бўйича:

- акцияларнинг қўшимча эмиссияси – 58,4 млрд. сўм (2013 йилда – 22,9 млрд. сўм);
- корпоратив облигациялар – 7,0 млрд. сўм (2013 йилда – 35,3 млрд. сўм);

муомаладаги ҳажми бўйича:

- иккиламчи бозордаги акциялар - 30,9 млрд. сўм (2013 йилда – 33,7 млрд. сўм);
- корпоратив облигациялар – 1,3 млрд. сўм (2013 йилда – 0,7 млрд. сўм).


Ўтган йил давомида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимида қимматли қоғозлар билан биржа айланмаса қуйидагича кўриниш олди:

- биржа айланмасининг 94 фоизи (81,7 млрд. сўм) иқтисодиётнинг молиявий сектор корхоналари ҳиссасига тўғри келади, шу жумладан банклар биржа айланмасининг 87,6 % (79,2 млрд. сўм), суғурта ва лизинг компаниялари мос равишда 2,6 % (2,4 млрд. сўм) ва 0,2 % (0,2 млрд. сўм). 2013 йилда ушбу даврга нисбатан биржа айланмасида молиявий секторнинг улуши 86,8 % (80,1 млрд. сўм)ни ташкил этган;

- агросаноат комплексининг улуши - 2,8 % ёки 2,3 млрд. сўм (2013 йилнинг 11 ойида - 3,4% ёки 3,1 млрд. сўм);

- саноат секторининг улуши – биржа айланмасининг 1,8 % ёки 1,5 млрд. сўм (2013 йилнинг 11 ойида 4,2% ёки 3,9 млрд. сўм);

- қурилиш тармоғи корхоналарининг улуши 2,2 % ёки 1,8 млрд. сўм (2013 йилнинг 11 ойида – 2,2% ёки 2,1 млрд. сўм).




3-расм. 2014 йилда биржа айланмасининг тармоқ таркиби
Манба: “Тошкент” республика фонд биржаси маълумотлари.

Агар инвесторлар бўйича биржа кўрсаткичларини кўриб чиқсак, юридик шахсларнинг инвестициялари умумий биржа айланмасининг 80,1 %ини ёки 78,2 млрд. сўмни ташкил этган.

2014 йилда йилида жисмоний шахсларнинг инвестицион фаоллиги ўсиши кузатилиб, уларнинг биржа айланмасидаги улуши 19,9 %га ўсган ва 19,4 млрд. сўмни ташкил этган (2013 йилда жисмоний шахс сифатидаги инвесторларнинг улуши 8,9% ни ташкил этган).

Ўтган йилда амалга оширилган инвестицияларнинг тармоқ кесимидаги таҳлили жисмоний шахс сифатидаги инвесторларнинг молия соҳаси ташкилотлари қимматли қоғозларига ишончи кучлилигини кўрсатди. Жумладан: жисмоний шахслар инвестицияларининг умумий ҳажмидан банклар – 93,4% (2013 йилда - 68,3%), саноат корхоналари – 2,3% (2013 йилда - 3,1%), қурилиш тармоғи корхоналари – 2,2% (2013 йилда - 2,7%) ташкил этган.

Юридик шахсларнинг молия соҳаси қимматли қоғозларига инвестициялари 2014 йилда 89,5% (2013 йилда - 86,8%)ни ташкил этди. Бундан 86,3% (2013 йилда – 80%) – тижорат банкларининг қимматли қоғозлари, 0,3% (2013 йилда – 4,3%) – лизинг компаниялари акциялари ва 3 % (2013 йилда 2,5%) – суғурта компанияларининг акцияларига қилинган инвестициялардир.



4-расм. Инвесторлар бўйича биржа айланмаси таркиби

Манба: “Тошкент” республика фонд биржаси маълумотлари.

Фонд бозори инструментларига инвесторлар ишончини ошириш ва қимматли қоғозлар бозорида аҳоли ва юридик шахсларнинг иштирокини кенгайтириш “Тошкент” фонд биржасининг келгусидаги фаолиятида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Молиявий инструментларга инвестиция киритиш тарғиботини амалга ошириш, жамоатчилик ва инвесторларни ахборот билан таъминлаш фонд бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб, республика аҳолисининг кенг катламига корхоналар ва умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда иштирок этиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Тошкент” республика фонд биржасининг 2014 йил учун йиллик ҳисоботи
2. www.uzse.uz сайти маълумотлари